

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ЮЛДУЗ АМИНЖОН КИЗИ

**ТУРЛИ ХИЛ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА МИОКАРДНИНГ
МАГНИТ-РЕЗОНАНС ТОМОГРАФИЯСИ**

14.00.19– Клиник радиология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Каримова Юлдуз Аминжон кизи

Турли хил келиб чиқадиган сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда миокарднинг магнит-резонанс томографияси	3
---	---

Каримова Юлдуз Аминжон кизи

Магнитно-резонансная визуализация миокарда у больных с хронической сердечной недостаточностью различного генеза	29
---	----

Karimova Yulduz Aminjon kizi

Magnetic resonance imaging of the myocardium in patients with chronic heart failure of various origins	57
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works	62
--	----

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ЮЛДУЗ АМИНЖОН КИЗИ

**ТУРЛИ ХИЛ КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА МИОКАРДНИНГ
МАГНИТ-РЕЗОНАНС ТОМОГРАФИЯСИ**

14.00.19– Клиник радиология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси

таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2023.3.PhD/Tib3860 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www. bgokim.uz.uz](http://www.bgokim.uz.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжибекова Юлдуз Маратовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Розыходжаева Гулнора Ахмедовна
тиббиёт фанлари доктори

Джураева Нигора Мухсумовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 рақамли Илмий кенгашининг
2025 йил

« ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мирзо Арнасой кўчаси, 17А-уй. Тел.: (+99871) 203-11-03, факс: (+99871) 203-11-03; e-mail: info@bgokim.uz).

Диссертация билан Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси 17А-уй. Тел./факс: (+998 71) 203-11-03).

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ да таркатилди.

(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Ш. Полатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.Б. Мамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Г.А. Юсупалиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Маълумки, сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган беморларни самарали даволаш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ўлим ҳолатларини камайтириш ҳамда умр давомийлигини ошириш учун касалликни илк босқичларидаёқ аниқлаш зарур ҳисобланади¹. Миокард дисфункцияси даражасидан қатъи назар, СЮЕ бўлган беморларни касалликнинг дастлабки босқичларида даволаш энг истиқболли ёндашув бўлиб, у аввало СЮЕ бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва тўсатдан юзага келадиган ўлим ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади. Сурункали юрак етишмовчилиги соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий муаммо бўлиб, у бутун дунё бўйлаб 64 миллиондан ортиқ одамда учрайди. СЮЕнинг бирламчи профилактикаси касалланиш ҳолатларини камайтиришга, тиббий ёрдамни яхшилаш эса беморларнинг тирик қолиш кўрсаткичларини оширишга ёрдам беради.

СЮЕ бўлган беморларни даволашда биринчи навбатда касалликнинг илк босқичларида самарали ва ўз вақтида ташхис қўйиш, СЮЕни дори воситалари орқали мақсадли даволаш, беморларни вақтида жарроҳлик даволаш усулларига йўналтириш, шунингдек, жарроҳлик аралашувларидан, хусусан, чап қоринчада қон айланишини қўллаб-қувватловчи ускуналарни имплантация қилиш ёки юрак кўчириб ўтказишдан сўнг беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, СЮЕ бўлган беморларнинг кутилаётган умр давомийлигини узайтириш ва шу орқали касаллик тарқалиши ҳамда ўлим ҳолатлари даражасини камайтириш асосий вазифа ҳисобланади.

Айни пайтда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича мисли кўрилмаган чоратадбирлар амалга оширилмоқда, касалликларни даволашнинг халқаро стандартларга мос замонавий самарали моделлари қўлланилмоқда². СЮЕ билан хасталанган беморларни имкон қадар эрта аниқлаш, аҳоли орасида профилактик ва даволаш тадбирларини амалга ошириш — ташхис сифати яхшиланишига, патогенетик даволашни оптималлаштиришга ва СЮЕнинг кучайишини барвақт ва аниқ инструментал диагностика натижаларига таянилган ҳолда олдини олишга хизмат қилган бўлар эди.

Шунингдек, аҳолига кардиология ва кардиохирургия хизматларини кўрсатиш сифати яхшиланишини таъминлаш, профилактика ишлари кўламини кенгайтириш, юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва самарали даволашни ташкил этиш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2022 йил 26 январдаги ПФ-103-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори — «Юрак-қон томир касалликларининг

¹ McDonagh T.A., Metra M., Adamo M., Gardner R.S., Baumbach A., Böhm M., Burri H., Butler J., Čelutkienė J., Chioncel O., Cleland J.G.F., Coats A.J.S., Crespo-Leiro M.G., Farmakis D., Gilard M., Heymans S., Hoes A.W., Jaarsma T., Jankowska E.A., Lainscak M., Lam C.S.P., Lyon A.R., McMurray J.J.V., Mebazaa A., Mindham R., Muneretto C., Piepoli M.F., Price S., Rosano G.M.C., Ruschitzka F., Skibelund A.K.; ESC Scientific Document Group. 2023 Focused Update of the 2021 ESC Guidelines for the diagnosis and treatment of acute and chronic heart failure. Eur Heart J. 2023 Oct 1;44(36):3627–3639. doi: 10.1093/eurheartj/ehad205. PMID: 37430736; PMCID: PMC10555142

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы». Доступен по ссылке: <https://lex.uz/ru/docs/5841077>.

олдини олиш ва уларни даволаш сифати ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳужжат қабул қилинди.

Ушбу диссертацион тадқиқот юртимизда юрак-қон томир касалликлари бўйича илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш орқали ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган кенг чора-тадбирлар билан уйғунлашади. Бундай жиҳозлар қаторидан коронар томирларда қон оқимининг фракцион захираси (FFR, DFR) ни аниқловчи ускуналар, томирлар ультратавуш флоуметриясини, миокарднинг интраоперацион хариталанишини аниқловчи технологиялар, абляция амалиётлари учун криоабляция модули, интродьюсерлар, электрофизиологик 3D Carto нурсиз навигатор ва юрак аритмиясини даволашга мўлжалланган ускуналар, шунингдек, юрак-қон томир касалликларини барвақт аниқлаш учун мўлжалланган кардиал магнит-резонанс томография (кардио-MPT) ускуналари ўрин олган. Буларнинг барчаси 2022 йил 26 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–103–сонли қарорида ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу иш республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири — VI йўналиш «Тиббиёт ва фармакология»га мувофиқ ҳолда амалга оширилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Трансторакал эхокардиография (ЭхоКГ) ҳозирги кунда, жумладан СЮЕ ҳолатларида ҳам, асосий диагностик усул бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, юрак-қон томир магнит-резонанс томографияси (кардио-MPT) СЮЕ бўйича сўнгги протоколларда қайд этилган кўпгина параметрларни баҳолашда «олтин стандарт» сифатида эътироф этилган. Кардио-MPTнинг СЮЕ асосида ётувчи тузилиш ўзгаришларининг бутун спектрини аниқлашдаги ажойиб ташхис имкониятлари яхши маълум. Бироқ, адабиётларда СЮЕнинг сақланган чиқариш фракцияси (СЮЕсЧФ) деб тахмин қилинган ҳолатларда, айниқса, трансторакал ЭхоКГдан кейин кардио-MPTнинг диагностик аҳамиятига оид маълумотлар етарли эмас. Кардио-MPT усули етакчи давлатлар қўлланмаларининг кўпчилигида қайд этилган бўлиб, уларда муайян ҳолатларда кардио-MPTдан фойдаланиш бўйича кўплаб тавсиялар мавжуд. Шу билан бирга, ушбу методдан фойдаланишга доир етарлича имконият, малакали мутахассисларни тайёрлаш, ҳамда харажатларни қоплаш масалалари ҳали ҳам муҳокама мавзусидир. Бундан ташқари, кардио-MPT СЮЕ бўлган беморларни даволаш тактикасини қандай ўзгартиришига оид масала ҳам аниқ эмас. Ушбу тадқиқотдан олинadиган маълумотлар келгусида беморларни даволаш тактикаси юзасидан асосланган қарор қабул қилишга, шу орқали касалликнинг прогнозига ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилади.

Ўрганилган халқаро адабиётлардаги 26 та клиник қўлланманинг 14 тасида кардио-MPTдан фойдаланиш бўйича тавсиялар мавжуд. Ушбу 14 та қўлланмада кардио-MPTдан фойдаланишга оид жами 39 та I тоифадаги тавсия, 12 та IIа тоифадаги, 10 та IIб тоифадаги ва 2 та III тоифадаги тавсиялар мавжуд. Кардио-MPT бўйича энг кўп тавсияларни ўз ичига олган

тўртта қўлланма доимий ишемик юрак хасталиги, аорта касалликлари, гипертрофик кардиомиопатия (ГКМП) ва миокардни реваскуляризация қилиш ҳолатларини қамраб олган. Бу ҳолат ушбу йўналишда далиллар базасини янада мустаҳкамлаш ва қўшимча тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Америка кардиология жамиятининг журналида эълон қилинган бир тадқиқотда, юрак МРТ таҳлили орқали аритмоген кардиомиопатия (АКМ) бўлган беморларда юрак етишмовчилигини олдиндан башорат қилиш имконияти мавжудлиги кўрсатилган. Бундай башорат қилиш имконияти АКМ бўлган беморларда МРТнинг ўзига хос хусусиятлари — гадолинийнинг кечиктирилган кучайиши ва чап қоринчадаги миокард картирлашининг маълум параметрлари билан боғлиқ. Кардио-МРТдан кейин беморларни даволаш тактикасига ўзгартиш киритиш имкониятини таъминлайдиган асосий йўл — диагностик жиҳатдан муҳим маълумотларни олишдан иборат. Ушбу маълумотлар келгусида беморларни даволаш тактикаси юзасидан тўғри қарор қабул қилиш имконини беради ва шу орқали касаллик прогнози яхшиланади.

Ҳозирги вақтда СЮЕни даволаш касаллик прогнозини сезиларли даражада яхшилашга олиб келмаяпти. Кардио-МРТ натижаларини тизимли баҳолаш, айниқса, яхши ўрганилган эхокардиография усули натижалари билан таққослаш орқали мавжуд масалаларга аниқлик киритилиши мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий-ўқув юртлардаги тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида (давлат рўйхатидан ўтказилган рақами ККРНТ № 011900250) амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Кардио-МРТ, ультратовушли методлар ва клинко-лаборатория тадқиқотлари маълумотларини таққослама баҳолаш орқали сурункали юрак етишмовчилигини аниқловчи асосий предикторларни аниқлаш ва улар асосида беморларни даволаш тактикаси ҳамда касаллик прогнозига баҳо бериш.

Тадқиқот вазифалари:

СЮЕ бўлган беморларда трансторакал эхокардиографиядан кейин қўйилган янги клиник ташхисларни аниқлашда кардио-МРТнинг диагностик аҳамиятини баҳолаш

кардио-МРТ орқали аниқланган миокарднинг тузилиш ва функционал ўзгаришларига асосланиб беморларни фенотиплаш

миокард ҳолати тўғрисидаги аниқроқ маълумотлар асосида беморларни қайта класификация қилиш ва кейинги даволашни режалаштиришда кардио-МРТнинг ролини аниқлаш

калит параметрлар (юрак бўлмалари ҳажми ва девор қалинлиги) ўлчамлари бўйича ТТЭ ва кардио-МРТ натижалари орасидаги фарқларни аниқлаш ва уларнинг ташхис, прогноз ҳамда даволаш тактикасини танлашга таъсирини баҳолаш

СЮЕнинг салбий кечиш хавфини башорат қилиш моделига валидлашни ўтказиш ва кардио-MPT ўтказиш зарурлигини ҳамда даволашни коррекция қилишга доир компьютер моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Трансторакал эхокардиографик тадқиқотларга кўра чап қоринча чиқариш фракцияси 50%дан юқори бўлган 112 нафар сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган беморлар танлаб олинди ва проспектив тадқиқот учун жалб этилди. Беморлар «Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази» ДУда текширув ва даволашдан ўтказилди.

Тадқиқот предмети. 112 нафар беморда кардио-MPT орқали клиник ва эхокардиографик маълумотларга асосан қўйилган ташхисни тасдиқлаш ёки ўзгартириш натижалари. MPTда илк бор ташхис қўйилган ва ташхиси аниқлаштирилган беморлар ўзаро ўхшаш бошланғич параметрларга, жумладан чап қоринча ҳажмлари ва чиқариш фракциясига эга бўлган. Беморлар умумий танланмаси 37 ёшдан 67 ёшгача бўлган бўлиб, уларнинг кўпчилиги 55 ёшдан катта эди.

Тадқиқот усуллари. Миокардни MPT орқали сканерлаш амалдаги протоколларга мувофиқ, юрак учун мўлжалланган 16-каналли катушка ёрдамида MPT-томографда амалга оширилди. Базал, миёда ва апикал даражалардаги перфузия тасвирлари 0,04 ммоль/кг контраст модда (Магнилек, Юник Фармасьютикал Лабораториз, Ҳиндистон) юборилгандан сўнг олинди. Гадолинийнинг кечиктирилган кучайиши (LGE) визуализацияси контраст модданинг сўнгги инъекциясидан 10–15 дақиқа ўтгандан кейин амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

чап ва ўнг қоринчалар параметрларининг эхокардиография ва кардио-MPT маълумотлари асосида таққослама баҳоси ўтказилди ҳамда кардио-MPT СЮЕ бўлган беморларда юрак тузилишларидаги ўзгаришларни аниқлашда юқори аниқликка эга эканлиги аниқланди ($p < 0,01$);

илк бор СЮЕ бўлган беморларни кардио-MPT маълумотлари асосида фенотиплаш ўтказилди, миокард тузилишидаги ўзгаришларга қараб қуйидаги гуруҳлар ажратиб олинди: дилатация, гипертрофия, миокард фиброзининг мавжудлиги ёки йўқлиги;

илк бор юрак бўлмалари ҳажми, чиқариш фракцияси ва миокард деворлари калинлиги кўрсаткичлари бўйича ТТЭ ва кардио-MPT натижаларидаги систематик фарқлар миқдорий жиҳатдан баҳоланди ва уларнинг ташхис қўйиш ва даволашни режалаштиришга таъсири аниқланди;

кардио-MPT орқали аниқланган морфофункционал хусусиятлар (юрак бўлмалари ҳажми, миокард фиброзининг мавжудлиги, ремоделлашув даражаси) асосида СЮЕ бўлган беморларда нохуш оқибатлар ривожланиш хавфини стратификация қилишга доир прогностик модел ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кардио-MPT қўлланган ҳолда СЮЕ ташхисини қўйиш алгоритми ишлаб чиқилди ва жорий этилди, бу эса илгаридан ташхис қўйилмаган

кардиомиопатияларни ҳам ўз ичига олган ҳолда яширин шаклдаги СЮЕни аниқлаш самарадорлигини оширади.

Кардио-МРТ трансторакал эхокардиографияга нисбатан миокарднинг морфофункционал ҳолатини баҳолашдаги афзаллиги асослаб берилди, айниқса, чиқариш фракцияси сақланган СЮЕ бўлган беморларда бу усул хавфни аниқроқ стратификация қилиш имконини беради.

Кардио-МРТ кўрсаткичлари (фиброз, миокард массаси индекси, қоринчалар ҳажм параметрлари) асосида прогностик модель таклиф қилинди, бу индивидуаллаштирилган даволаш тактикаси ва декомпенсация ривожланиш хавфини башорат қилиш имконини яратади.

Кардио-МРТ параметрларини комплекс баҳолашни амалиётга жорий этиш СЮЕ бўлган беморларни клиник йўналтиришни оптималлаштириш, даволашни асосли тайинлаш ва қайта госпитализациялар эҳтимолини камайтиришга хизмат қилади.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланган замонавий, апробациядан ўтган ва бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатория-инструментал ва статистик усуллар, беморлар сонининг етарли эканлиги, натижаларнинг назарий ва амалий асосларга мувофиқлиги, хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан кафолатланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асослилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотларда замонавий ва статистик усуллардан фойдаланганлик, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий аҳамияти шундаки, тадқиқотда олинган натижалар миокард ҳолатини баҳолашда кардио-МРТ усулини объектив ва ишончли диагностик восита сифатида тавсия қилиш имконини беради. Эхокардиография ва кардио-МРТ маълумотлари асосида чап ва ўнг қоринчалар параметрларини таққослама таҳлил қилиш МРТнинг эхокардиографик кўрсаткичларга нисбатан аниқроқ эканини кўрсатди.

Амалий аҳамияти шундаки, контраст модда билан кучайтирилган кардио-МРТ ёрдамида СЮЕ (сурункали юрак етишмовчилиги) бўлган беморларда касалликни чуқурроқ ташҳислаш ва кейинги даволаш тактикасини аниқлаш учун зарур бўлган қўшимча диагностик тадқиқотларни ўтказиш тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш. СЮЕ бўлган беморларда миокард ҳолатини баҳолашда кардио-МРТ усули ёрдамида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган беморларда трансторакал эхокардиография (ТТЭ) ва кардио-МРТ усулларининг диагностик самарадорлиги биринчи марта таққослама баҳоланди. Бу эса кардио-МРТдан сўнг қўйилган янги клиник ташхислар улушини миқдорий жиҳатдан аниқлаш имконини берди. *Илмий янгиликнинг*

аҳамияти: Олинган натижалар кардио-МРТ орқали илгари аниқланмаган миокарднинг тузилиш ва функционал ўзгаришларини аниқлаш мумкинлигини тасдиқлади. Бу ташхис ва касалликнинг босқичини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу орқали СЮЕ бўлган беморларда барвақт ташхис қўйиш ва даволаш тактикасига тузатиш киритиш имконияти яратилади. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш:* Ишлаб чиқилган диагностик ёндашувлар амалиётга жорий этилди. Хусусан, улар Миллий тиббиёт маркази фаолиятига (2025 йил 23 январдаги №01-03/7-сонли буйруқ) ҳамда Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятига (2024 йил 21 ноябрдаги №122-сонли буйруқ) татбиқ этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* илгари ташхисланмаган ўзгаришларни эрта аниқлаш патогенетик даволашни ўз вақтида бошлаш ва беморлар прогнозини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* декомпенсация ва кутилмаган госпитализациялар сонини камайтириш ҳисобига ҳар бир беморни даволаш учун сарфланадиган ўртача харажатни 680 000 сўмгача қисқартириш мумкин. *Хулоса:* СЮЕда кардио-МРТ усулини кенг миқёсда ташхис жараёнига жорий этиш ушбу методнинг клиник аҳамиятга эга ташхисларни аниқлашдаги юқори самарадорлиги билан тўлиқ асосланган;

иккинчи илмий янгилик: СЮЕ бўлган беморларнинг кардио-МРТ маълумотлари асосида илк бор фенотиплаш амалга оширилди, миокарддаги тузилиш ўзгаришларига қараб қуйидаги кичик гуруҳлар ажратиб олинди: дилатация, гипертрофия, миокард фиброзининг мавжудлиги ёки йўқлиги. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Кардио-МРТ асосида амалга оширилган фенотиплаш беморларни прогнозга қараб аниқроқ стратификация қилиш ва индивидуаллаштирилган даволаш стратегияларини белгилаш имконини беради. Бу усул фақат эхокардиография маълумотларига асосланган анъанавий ёндашувдан фарқ қилади ва самаралироқдир. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш:* Беморларни тузилиш бўйича стратификация қилиш усули СЮЕ бўлган беморларни даволашни режалаштириш ва мониторинг қилиш мақсадида Миллий тиббиёт маркази ҳамда Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* Аниқроқ стратификация орқали даволаш тактикасини ўз вақтида тузатиш имконияти яратилади, беморларнинг ҳаёт сифати ошади ва асоратлар ривожланиш хавфи камаюди. *Иқтисодий самарадорлик:* Индивидуаллаштирилган даволаш усуллари универсал схемалардан самарасиз харажатларнинг олдини олади ва ҳар бир бемор учун тахминан 700 000 сўмгача маблағни тежаш имконини беради. *Хулоса:* Кардио-МРТ ёрдамида амалга оширилган фенотиплаш — СЮЕ бўлган беморларни юритишда шахсийлаштирилган ёндашувнинг муҳим босқичидир;

учинчи илмий янгилик: Илк бор ТТЭ ва кардио-МРТ натижалари ўртасида юрак бўлмалари ҳажми, чиқариш фракцияси ва миокард деворларининг қалинлиги бўйича систематик фарқлар микдорий жиҳатдан баҳоланди, ҳамда уларнинг ташхис қўйиш ва терапияни режалаштиришга таъсири аниқланди. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Фарқларни таҳлил қилиш СЮЕ ташхисида ТТЭ маълумотларини танқидий қайта баҳолаш зарурлигини

асослаб беради, айниқса параметрлар шубҳали ёки чегарадаги ҳолларда. Кардио-МРТ ўлчамлар аниқлиги бўйича устунликка эга эканини кўрсатди, бу эса даволаш тактикаси тўғри танланиши учун муҳим. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш:* ТТЭдан сўнг ташхис қўйишда шубҳалар мавжуд бўлган ҳолларда кардио-МРТни қўллаш бўйича тавсиялар Миллий тиббиёт маркази ва Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* Ташхис аниқлигини ошириш клиник хатолар сонини камайтиради ва беморлар учун узоқ муддатли прогнозни яхшилайдди. *Иқтисодий самарадорлик:* Нотўғри ташхислар сони камайиши терапияни тузатиш ва госпитализация харажатларини қисқартиради, бу эса ҳар бир бемор учун 650 000 сўмгача тежамкорликни таъминлайди. *Хулоса:* СЮЕ бўйича қийин ташхис қўйиладиган ҳолларда кардио-МРТ мажбурий усул сифатида қаралиши лозим.

тўртинчи илмий янгилик: СЮЕ (сурункали юрак етишмовчилиги) бўлган беморларда юрак бўлмалари ҳажми, миокард фиброзининг мавжудлиги ва ремоделлашув даражаси каби кардио-МРТ орқали аниқланган морфофункционал хусусиятлар асосида нохуш оқибатлар хавфини стратификация қилиш бўйича прогностик модель ишлаб чиқилди. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Ушбу прогностик модель декомпенсация, қайта госпитализация ва летал ҳолатлар эҳтимолини аниқроқ башорат қилиш имконини беради, бу эса СЮЕ бўлган беморларни кузатиш ва терапияни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этиш:* Прогностик модель Миллий тиббиёт маркази ҳамда Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига беморлар хавфини стратификация қилиш ва уларни юритишни режалаштириш мақсадида жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* Хавфи юқори гуруҳга мансуб беморлар устидан мақсадли назоратни кучайтириш орқали нохуш оқибатлар сонини камайтиришга эришилади. *Иқтисодий самарадорлик:* Тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали оғир декомпенсация ҳолатларини камайтириш ҳисобига ҳар бир бемор учун 780 000 сўмгача тежамкорликка эришилади. *Хулоса:* Кардио-МРТ маълумотлари асосидаги прогностик моделлардан фойдаланиш СЮЕ бўлган беморларни юритиш самарадорлигини оширади ва уларнинг клиник прогнозини яхшилайдди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий иш натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та босма илмий иш нашр этилган, шулардан 1 таси — услубий тавсиянома, 6 та мақола илмий нашрларда чоп этилган, шу жумладан 3 таси — республика миқёсидаги, 3 таси — хорижий журналларда. Ушбу мақолалар Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 4 та боб, хулоса, чиқарилган хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган

адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва унинг аҳамияти асослаб берилган, ишнинг мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади. Илмий ишнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти белгиланган. Тадқиқот натижаларининг соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилгани, шунингдек, нашрлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби — **«Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда замонавий ноинвазив визуализация усуллариининг диагностик имкониятларини баҳолаш»** — замонавий адабиётлар таҳлиliga бағишланган бўлиб, муаммонинг ҳолати акс эттирилган. Сурункали юрак етишмовчилигида ноинвазив визуализация усулларига бағишланган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар маълумотлари таҳлил қилинган. Кардио-MPT ва эхокардиография каби усуллар, уларнинг афзалликлари, чекловлари ва диагностик қиймати кўриб чиқилган. Айниқса, миокард тузилишларини баҳолашга имкон берадиган контраст моддалар қўлланилувчи усулларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, юрак етишмовчилигининг турли шакллари аниқлаш ва классификация қилиш, прогнозлаш ва даволаш тактикасига индивидуал ёндашувни таъминлашга қаратилган визуализациянинг замонавий ёндашувлари тасвирланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда миокард тўқималарининг ҳолатини замонавий диагностика усуллари билан баҳолаш (материаллар ва усуллар)»** деб номланган бўлиб, у ерда миокард ҳолатини визуализация қилиш ва баҳолаш учун қўлланилган методикалар батафсил тавсифланган. Тадқиқотнинг марказий усулларида бири бу — турли шакллардаги сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда миокарднинг тузилиш ўзгаришлари ва функционал хусусиятларини батафсил баҳолаш учун қўлланган кардио-MPT ҳисобланади.

Кардио-MPT тадқиқотлари zamonaviy Phillips Multiva томографи орқали амалга оширилди. Беморларга гадолиний асосидаги контраст модда (0,04 ммоль/кг) юборилди, шундан сўнг базал, миёда ва апикал сатҳларда миокард перфузиясини баҳолаш учун тинч ҳолатда кетма-кет сканерлаш амалга оширилди. Контраст юборилгандан сўнг 10–15 дақиқа ўтгач, кечиктирилган кучайиш (LGE) визуализацияси ўтказилди, бу миокарддаги фиброз ўчоқларини ва тузилиш ўзгаришларини аниқлаш ҳамда тавсифлаш имконини берди.

Гадолинийнинг кечиктирилган кучайиши методикаси (LGE) рубцланган ўзгаришларни баҳолашда қўлланилди, айниқса ишемик ва ноишемик кардиомиопатияга чалинган беморлар учун аҳамиятли ҳисобланади.

Статистик таҳлил кардио-MPT орқали аниқланган миокарднинг тузилиш ва функционал ўзгаришлари билан клиник ва лаборатория кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцияни таҳлил қилишни ўз ичига олди. Шунингдек, турли кардиомиопатия турлари бўлган беморлар гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги ҳисоблаб чиқилди. Фарқлар $p < 0,05$ даражасида статистик жиҳатдан ишончли деб ҳисобланди. Корреляция таҳлили Спирменнинг рангли нопараметрик корреляция усули орқали амалга оширилди.

Учинчи боб — «Магнит-резонансли визуализациядан кейинги сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг фенотипланишига оид ўз тадқиқотларимизнинг натижалари» — 112 нафар сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморни ўз ичига олади. Уларни эхокардиографик текширувдан кейин проспектив скрининг тадқиқоти учун танлаб олинган. Бироқ 14 нафар бемор қуйидаги сабабларга кўра тадқиқотдан чиқарилди: 7 нафарида оғир декомпенсацияланган СЮЕ кузатилган, 3 нафарида гломеруляр фильтрация тезлиги $30 \text{ мл/дак/1,73 м}^2$ дан кам бўлган, 2 нафарида кардиостимулятор мавжуд бўлган, яна 2 нафар беморда оғир коморбид фон бўлиб, бу контрастли MPT ўтказиш учун қарши кўрсатма бўлган. Қолган 98 нафар бемордан 14 нафарида кардио-MPT ўтказиб бўлинмаган. Хусусан, 6 нафар беморда клаустрофобия сабабли MPT амалга оширилмаган, 4 нафари тадқиқотдан ихтиёрий равишда воз кечган, 3 нафар беморда ортоэпноэ сабабли текширувни ўтказишнинг иложи бўлмаган ва 1 нафар беморда оғир семизлик сабабли тадқиқот амалга оширилмаган.

Шу тариқа, кардио-MPT 84 нафар беморда ўтказилди, улардан 58 нафарида клиник ва эхокардиографик маълумотларга асосланган ҳолда қўйилган дастлабки ташхис тасдиқланди. Бироқ, жуда муҳим жиҳат шундаки, 26 нафар беморда биринчи марта СЮЕ ташхиси қўйилди ёки СЮЕнинг сабаби аниқланди. Бу эса даволаш тактикаси ва касаллик прогнозини белгилашда катта аҳамият касб этади.

1-жадвал


Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг клиник характеристикаси

	Барчаси	Янги ташхисларсиз гуруҳ (n = 58)	Янги ташхислар гуруҳи (n=26)	p қиймати
<i>Беморларнинг жинси ва ёши</i>				
Ёш, йиллар	62±10	73±9	72±12	0,61
Эркак жинси	19	54 (48,2%)	24 (57,1%)	0,32
<i>Клиник характеристика</i>				
Юракча фибрилляцияси	7	5 (44,6%)	2 (52,4%)	0,42
Юрак уриш частотаси (зарбалар/дак)	70±14	70±14	72±16	0,57
Систолик АБ (мм сим. уст.)	143±25	144±25	146±26	0,61
Диастолик АБ (мм сим. уст.)	74±12	74±12	74±13	0,99

Тананинг масса индекси (кг/м ²)	34±7	34±7	33±9	0,66
NYHA				
I/II	26	77 (68,8%)	29 (69,0%)	0,97
III	11	35 (31,3%)	13 (31,0%)	
<i>Анамнез</i>				
Тасдиқланган ИЮК	7	3	4	
Гипертония	7	111 (89,3%)	39 (92,9%)	0,60
2-тур қандли диабет	5	54 (48,2%)	21 (50,0%)	0,88
СОБК	2	17 (15,2%)	10 (23,8%)	0,21

СЮЕ бўлган беморларнинг асосий клинко-лаборатория ва эхокардиографик текширув натижаларига кўра, юрак етишмовчилиги сабабини очиб берадиган клиник ташхис фақат 68,4% ҳолатда қўйилган. Қолган 31,6% беморда клиник ташхис сурункали юрак етишмовчилиги бўйича стандарт базавий текширувларга қўшимча равишда ўтказилган кардио-МРТ натижалари асосида аниқланган. Беморларнинг клиник тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

Кардио-МРТда биринчи марта ташхис қўйилган ва ташхиси тасдиқланган беморлар бошланғич клиник характеристикалари, жумладан, чап қоринчанинг ҳажми ва чиқариш фракцияси (ЧҚФ) бўйича ўхшаш натижаларга эга эди. Когорта 37 ёшдан 77 ёшгача бўлган кенг ёш диапазонидаги беморларни ўз ичига олган, уларнинг кўпчилиги 55 ёшдан катта бўлган. Деярли учдан бири NYHA таснифи бўйича II ёки III синфига мансуб эди. Семизлик ва артериал гипертензия юқори тарқалишга эга бўлган. 7 нафар беморда фибрилляция предсердий (ФП) анамнези мавжуд бўлиб, шунча беморда 2-тур қандли диабет кузатилган. Тахминан 20% беморларда сурункали ўпка касалликлари аниқланган. Бошланғич даражада ишемик юрак касалликлари (ИЮК) 21% беморда қайд этилган, шу жумладан 3 нафар беморда постинфаркт кардиосклероз (ПИКС) бўлган.



1-расм. Кардио-МРТ, 67 ёшли К. фамилияли бемор. Ташхис — ишемик кардиомиопатия. Диастола фазасида қисқа ўқ бўйича олинган кардио-МРТ тасвирларида гадолиний орқали кечиктирилган кучайиши (стрелка) зонаси — субэндокардиал қатламда, чап тўғри тушувчи артерия ҳавзасида маҳаллийлашган ўчоқлар кўринмоқда. Чап қоринчанинг бўйлиги ўртача кенгайган, фиброз зонасида деворнинг ингичкалаши ва регионал қисқариши


қобилиятининг пасайиши аниқланган. Бундай ўзгаришлар ишемик кардиомиопатияни ноишемик формалардан фарқлаш ва кейинчалик терапияни режаслаштириш учун ҳаётий қобилиятга эга миокард ҳажмини аниқлаш имконини беради.

84 нафар (100%) СЮЕ ташхиси қўйилган бемордан кардио-MPT ўтказилганлар орасида 58 нафар беморда аввал ЭХОКГ маълумотлари асосида қўйилган ташхис тасдиқланди. Бироқ 26 нафар беморда кардио-MPT орқали аввал аниқланмаган ташхислар маълум бўлди ва улар қуйидаги фенотиплар бўйича гуруҳларга ажратилди.

10 нафар беморда MPT натижаларига кўра ишемик кардиомиопатия аниқланди (1-расм). 5 нафар беморда ўчоқли миокардит кузатилди, 6 нафар беморда гипертрофик кардиомиопатия аниқланди, 3 нафар беморда рестриктив кардиомиопатия қайд этилди, 2 нафар беморда юрак амилоидози аниқланди.

Шундан сўнг, биз маълумотларни таҳлил қилишга ўтдик. Ишемияни баҳолаш учун гадолиний орқали кечиктирилган кучайиш фонида олинган тасвирлар ярим микдорий усулда перфузиянинг қайта тикланадиган нуқсонлари мавжудлигига кўра баҳоланди. Нуқсонлар перфузиянинг индукцияланган нуқсонларини аниқлаш орқали ишемия сифатида таснифланди, бу амалдаги нашр этилган тавсияларга асосланган ҳолда амалга оширилди.

Чап қоринчанинг девор қалинлиги ≥ 15 мм бўлган барча беморларда чап қоринча гипертрофияси (ЧҚГ) таҳлил қилинди. Бундай ҳолларда гипертрофия даражаси ва тури, шунингдек анамнез (гипертония, артериал босимни назорат қилиш, антигипертензив дори воситалари) ҳисобга олинган ҳолда девор қалинлигининг пропорционал ёки ноқис ҳолда ошганлиги баҳоланди (2-расм).




2-расм. Кардио-MPT. 53 ёшли Н. бемор. Ташхис — гипертрофик кардиомиопатия. Систола фазасида қисқа ўқ бўйича олинган кардио-MPT тасвирида — чиқарув йўлининг обструкциясиз ҳолатида — 21 мм гача бўлган меъёрдан ташқари товушли бўлган қоринчалар орасидаги деворнинг асимметрик гипертрофияси аниқланмоқда. Контрастнинг кечиктирилган кучайиши асосан деворнинг медиал сегментларида кузатилади (стрелка), бу фокал миокард фиброзини англатади. Ушбу белгилар гипертрофик кардиомиопатия учун хос бўлиб, инфильтратив ва юкланишга боғлиқ кардиомиопатиялардан фарқлашга имкон беради.

Бу юракнинг магнит-резонансли тасвирлашда диастола охирида олинган қисқа ўқ бўйича тасвири бўлиб, чап қоринчанинг деворларининг концентрлик қалинлашганини кўрсатади. Магнит-резонанс томографиясининг юқори

фазовий аниқлиги ва сигнал-шовқин нисбати чап қоринчанинг девор қалинлиги ва умумий миокард массасини аниқ ва ишончли ўлчаш имконини беради.

ЧҚГдан гумон қилинган беморлар чап қоринчанинг девор қалинлигини баҳолаш мақсадида эхокардиография ва МРТ орқали визуализация қилинди. Деворнинг максимал қалинлиги эхокардиография ($21,7 \pm 9,1$ мм) ва МРТ ($22,5 \pm 9,6$ мм; $P = 0,21$) бўйича деярли бир хил аниқланди. Бироқ 18 бемордан 6 нафарида эхокардиография чап қоринча гипертрофиясини аниқлай олмаган, аммо МРТ чап қоринчанинг олд-ян томон эркин деворида 17–20 мм қалинликдаги ноаниқ ҳудудларни аниқлаган ва гипертрофия биринчи марта қайд этилган. Умумий гуруҳ таҳлилида МРТ натижалари билан солиштирганда, эхокардиография чап қоринчанинг базал олд-ян деворидаги гипертрофия микдорини $20 \pm 6\%$ га камайтириб кўрсатган ($P < 0,05$), шунингдек, чап қоринчанинг меъёрдан ортиқ девор қалинлиги (≥ 30 мм) 10% беморларда эхокардиография орқали қайд этилмаган ($P < 0,05$).


Субэндокардиал гадолиний билан кечиктирилган кучайишга эга бўлган беморларда чап ва ўнг қоринчалар деворлари қалинлиги юқори бўлиб, симптомлар ҳам кескинроқ ифодаланган эди (NYHA функционал таснифи бўйича 38% — III/IV синф, кечиктирилган кучайишсиз беморларда эса 0%) (3-расм).



3-расм. Кардио-МРТ. 60 ёшли С. бемор. Таъхис — рестриктив кардиомиопатия. Гадолиний билан кечиктирилган контраст кучайиши билан олинган кардио-МРТ тасвирларида икки қоринчани қамраб олган диффуз субэндокардиал контраст модда тўпланиши (стрелка) кузатилади. Қўшимча равишда, кўкрак деворлари орасидаги девор қалинлашган ва диастолик тўлдирилиш чекланган. Бундай контраст кучайиши инфильтратив жараёнларга, жумладан амилоидозга хос бўлиб, рестриктив кардиомиопатияни констриктив перикардит ва сурункали юрак етишимовчилигининг бошқа шаклларида фарқлаш имконини беради.


Ишемик рестриктив кардиомиопатия, одатда, бир коронар артерия ҳавзаси доирасида чекланган, субэндокардиал тарқалувчи трансмурал фиброз кўринишида бўлади.

Миокардит кардио-MPT орқали гадолиний билан контрастланган ҳолда интрамурал ва субэпикардиал жойлашган гиперкучайтирилган микроўчоқлар кўринишида визуализация қилинди (4-расм).



4-расм. Кардио-MPT. 42 ёшли Д. бемор. Таъхис — миокардит. Гадолиний контрасти билан амалга оширилган кардио-MPT тасвирларида чап қоринча миокардида кўп сонли кечиктирилган кучайиш ўчоқлари аниқланди, улар асосан субэпикардиал ва интрамурал жойлашувга эга (стрелка) бўлиб, коронар артериялар ҳавзаси бўйича тақсимотга эга эмас. Бундай ўзгаришлар миокарднинг классик ноишемик шикастланишига мос келади ва Lake Louise мезонлари бўйича ўткир миокардитга хос ҳисобланади. Чиқариш фракцияси сақланган, юрак бўлмаларида дилатация кузатилмаган.

Ишемик рестриктив кардиомиопатия субэндокардиал қатламда тарқалувчи, бир коронар артерия ҳудудида чекланган трансмурал фиброз сифатида тавсифланади (5-расм).



5-расм. Кардио-MPT. 67 ёшли К. бемор. Таъхис — ишемик рестриктив кардиомиопатия. Гадолиний билан кечиктирилган кучайтиришида олинган тасвирда чап қоринчанинг субэндокардиал қатламида трансмурал фиброз шикастланиши аниқланмоқда. У бир коронар артерия васкуляризацияси ҳудудида маҳаллийлашган (стрелка). Бундай ўзгаришлар систолик фаолият сақланган ҳолда диастолик функциянинг прогрессив пасайиши билан кечувчи ишемик рестриктив кардиомиопатия учун хосдир.

Чап ва ўнг қоринчаларнинг архитектураси визуал баҳоланди ва деворнинг регионал ёки диффуз ингичкалаши, концентрик ёки асимметрик гипертрофия каби паттернлар аниқланди. Перикард қалинлиги ва

кальцификация ўчоқлари баҳоланди. Магнит-резонанс томографиясининг фазовий аниқлиги перикард танглиги ва рестриктив кардиомиопатияни фарқлаш имконини берди, чунки иккаласи ҳам чиқариш фракцияси сақланган ҳолда юрак етишмовчилиги аломатларини келтириб чиқариши мумкин. Томографик визуализация гемодинамикани баҳолашда эхокардиографик характеристикага муҳим қўшимча ҳисобланади. Бу айниқса перикард танглиги перикард қалинлашмасдан ҳам юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олганда долзарб аҳамият касб этади. Кардио-МРТ орқали СЮЕ ва чиқариш фракцияси сақланган (СЮЕсФВ) бўлган беморларнинг 31%ида юрак етишмовчилигининг илгари аниқланмаган муҳим сабаблари ташхис қилинди. Аниқланган сабаблар юрак етишмовчилиги сабабли ўлим ва госпитализация хавфини оширадиган омиллар ҳисобланади.

Эхокардиография ва кардио-МРТ маълумотлари асосида чап ва ўнг қоринча параметрларини таққослама баҳолаш МРТ эхокардиографик кўрсаткичларга нисбатан аниқроқ натижаларни берганини кўрсатди.

Тўртинчи боб — «**Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда юрак ҳажмларини ноинвазив визуализация усуллари ёрдамида аниқлаш**» деб номланиб, УЗИ аппарати орқали текширув ўтказилгандан сўнг 84 нафар беморда кардио-МРТ амалга оширилди. Кейин беморларда эхокардиография кўрсаткичларининг ўртача қийматлари кардио-МРТ кўрсаткичлари билан таққосланди.

Аниқланишича, эхокардиографик текширув натижаларига кўра чап юрак бўлмалари ўлчамлари кардио-МРТга нисбатан сезиларли даражада кичикроқ бўлган. Шунингдек, ўнг қоринча ва ўнг қизикча ҳажмлари ҳам эхокардиографик ўлчовларда кардио-МРТ кўрсаткичларига нисбатан анча кичик бўлган. Қоринчалар орасидаги девор ва юрак орқа девори қалинлиги эса, аксинча, ЭхоКГ текширувида кардио-МРТга нисбатан анча юқори баҳоланган.

2-жадвал

ЧҚФЛЖни кардио-МРТ ва ЭхоКГ бўйича таққослаш жадвали

ЧҚФЛЖ тоифаси	Беморлар сони	ЭхоКГ бўйича ЧҚФЛЖ (%)	Беморлар сони	Кардио-МРТ (CMR) бўйича ЧҚФЛЖ (%)
< 40%	17	34,4 ± 2,6	29	33,7 ± 3,4
40–50%	28	45,8 ± 2,7	31	45,4 ± 3,1
> 50%	39	61,6 ± 6	24	61,5 ± 6
Жами / Ўртача	84	50,8 ± 11,8	84	46 ± 11,8**

Изох: ** – $P < 0,01$ – ЭхоКГ гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли фарқ.

Аввалги тадқиқотларда эхокардиография кардио-МРТга нисбатан чап қоринчанинг чиқариш фракциясини (ЧҚФ) мунтазам равишда камайтириб баҳолашини кўрсатган. Бироқ бу ҳолат турли ЧҚФ тоифаларида тасдиқланмаган. ЧҚФ тоифалари Европа Кардиологлар Жамиятининг тавсиялари асосида аниқланган.

ЧҚФЛЖ 40%дан кам бўлган беморлар тоифасида кардио-МРТ усули орқали ўлчанган ЧҚФЛЖ ($33,7 \pm 3,4\%$) ЭхоКГ усулига ($34,4 \pm 2,6\%$) нисбатан

бироз пастроқ натижаларни кўрсатди. Бирок ўртача қийматлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас, бу эса ушбу тоифада икки метод орасида юқори корреляция мавжудлигини кўрсатади.

Чап қоринчанинг функцияси ўртача пасайган беморлар учун ҳам ЭхоКГ ($45,8 \pm 2,7\%$) ва кардио-МРТ ($45,4 \pm 3,1\%$) ўртасидаги ЧҚФЛЖ ўртача қийматлари ўхшаш бўлиб, улар орасидаги фарқ минимал ва статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Бу ҳолат ҳар икки усулнинг ўртача пасайган ЧҚФЛЖни баҳолашда ишончли эканини тасдиқлайди.

Чап қоринчанинг функцияси нормал ёки бир оз пасайган беморлар тоифасида ЭхоКГ ва кардио-МРТ бўйича ЧҚФЛЖнинг ўртача қийматлари деярли бир хил (мос равишда $61,6 \pm 6\%$ ва $61,5 \pm 6\%$) бўлган. Бу икки усул ушбу беморлар тоифасини баҳолашда ўзаро алмашинувчи усул сифатида қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади.

Барча беморлар (84 та ҳолат) бўйича ЧҚФЛЖнинг ўртача қийматларини солиштирганда, ЭхоКГда $50,8 \pm 11,8\%$, кардио-МРТда $46 \pm 11,8\%$ бўлгани кузатилди. Бу эса кардио-МРТда ЧҚФЛЖ пастроқ чиқишини кўрсатади. Бу фарқ кардио-МРТнинг юқори аниқлиги ва миокард тўқималаридаги фиброз ва бошқа тузилиш ўзгаришларини аниқлашдаги юқори сезувчанлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари ЭхоКГ ва кардио-МРТ усуллари орасида ЧҚФЛЖни баҳолашда юқори корреляция мавжудлигини кўрсатади. ЧҚФЛЖ кўрсаткичларидаги оз фарқлар усулларнинг миокард тузилишларига бўлган турлича сезувчанлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шундан сўнг биз ЧҚФЛЖ кўрсаткичлари орасидаги фарқни ҳар икки метод бўйича кетма-кет ўтказилган текширувларда асосий клиник ташхисга қараб таҳлил қилдик. Ушбу тадқиқотдаги муҳим жиҳатлардан бири — эхокардиография (ЭхоКГ) ва юракнинг магнит-резонанс томографияси (кардио-МРТ) усуллари орқали чап қоринчанинг чиқариш фракциясини (ЧҚФЛЖ) ўлчашдаги фарқларни таҳлил қилишдир. Ушбу фарқлар сурункали юрак етишмовчилигининг турли шаклларида эга беморларда ташхис ва кейинги юритиш тактикасига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қуйидаги жадвалда асосий клиник ташхислар: ишемик юрак касаллиги (ИЮК), гипертоник кардиомиопатия ва дилатацион кардиомиопатия бўйича маълумотлар келтирилган.

3-жадвал

ЧҚФЛЖ кўрсаткичларининг кардио-МРТ ва ЭхоКГда асосий ташхисга кўра ўртасидаги фарқи

Асосий ташхис	ЭхоКГ бўйича ЧҚФЛЖ (%)	Кардио-МРТ (CMR) бўйича ЧҚФЛЖ (%)	Фарқ (CMR - ЭхоКГ)
Ишемик юрак касаллиги	$42,6 \pm 8,1$	$38,2 \pm 6,7^{**}$	4,2
Гипертоник кардиомиопатия	$61,7 \pm 5,4$	$54,2 \pm 9^{***}$	6,5
Дилатацион кардиомиопатия	$59,3 \pm 8$	$62,9 \pm 7,5$	-3,6

Изоҳ: ** – $P<0,01$, *** – $P<0,001$ – ЭхоКГ гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли фарқ.

ЭхоКГ маълумотларига кўра, ишемик юрак касаллиги (ИЮК) бўлган беморларда чап қоринчанинг чиқариш фракцияси (ЧҚФЛЖ) ўртача $42,6 \pm 8,1\%$ ни ташкил этди, кардио-МРТ маълумотларига кўра эса бу кўрсаткич $38,2 \pm 6,7\%$ бўлиб, пастроқ аниқланган. Икки усул ўртасидаги фарқ $4,2\%$ ни ташкил этиб, статистик жиҳатдан ишончли ($p<0,01$) ҳисобланади. Бу ҳолат, эҳтимол, ишемик юрак касаллигига хос бўлган кичик ўчоқли фиброз ва тузилиш ўзгаришларини аниқлашда кардио-МРТ усулининг юқори сезувчанлиги билан изоҳланади. Бу эса чап қоринчанинг функцияси пасайишини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Гипертоник кардиомиопатияга эга беморларда эса усуллар орасидаги фарқ энг катта бўлгани кузатилди: ЭхоКГ бўйича ЧҚФЛЖ $61,7 \pm 5,4\%$ бўлса, кардио-МРТда $54,2 \pm 9\%$ ни ташкил этди. Фарқ $6,5\%$ бўлиб, у ҳам статистик жиҳатдан ишончли ($p<0,001$) ҳисобланади. Бу ҳолат ЭхоКГнинг техник чекловлари ва гипертрофия пайтида юрак геометриясининг ўзгариши туфайли ЧҚФЛЖни ортиқча баҳолаши билан изоҳланиши мумкин. Кардио-МРТ эса фазовий аниқлиги юқорилиги туфайли миокард ҳажми ва функциясини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, дилатацион кардиомиопатияга эга беморларда аксинча ҳолат кузатилди: ЭхоКГ бўйича ЧҚФЛЖ $59,3 \pm 8\%$, кардио-МРТ бўйича эса $62,9 \pm 7,5\%$ ни ташкил этди. Фарқ $-3,6\%$ бўлиб, кардио-МРТ орқали ЧҚФЛЖ кўрсаткичлари юқорироқ баҳоланган. Бу ҳолат юрак бўлмаларидаги дилатация ва геометрик ўзгаришларни МРТ орқали яхшироқ визуализация қилиш мумкинлиги билан изоҳланиши мумкин, бу эса қолдиқ ҳажм ва миокарднинг қисқариш қобилятини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Бизнинг тадқиқотимиз доирасида беморлар ЭхоКГ ва кардио-МРТ орқали ўлчанган чап қоринчанинг чиқариш фракцияси (ЧҚФЛЖ)га қараб қайта таснифланди. ЭхоКГ ва МРТ натижалари ўртасидаги фарқлар ушбу қайта таснифлашга олиб келди ва бу ҳолат беморларни оптимал юритиш учун аниқ визуализация усулларида фойдаланишнинг муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

4-жадвал

Беморларни кардио-МРТ маълумотлари асосида қайта таснифлаш

ЧҚФЛЖ тоифаси	Беморлар сони (ЭхоКГ)	Беморлар сони (CMR)	Қайта таснифланган беморлар (%)
< 40%	17	29	14,3
40–50%	28	31	3,6
> 50%	39	24	17,9
Жами	84	84	35,7

ЧҚФЛЖ <40% бўлган беморлар тоифасини кўриб чиқамиз. Ушбу тоифада ЭхоКГ маълумотларига кўра 17 нафар бемор қайд этилган бўлиб, кардио-МРТ маълумотлари асосида улар сони 29 нафарга етди. Бу эса 14,3% беморлар бошқа тоифалардан ЧҚФЛЖ <40% бўлган тоифага қайта

таснифланганини англатади. Бу ҳолат кардио-МРТ усули миокард тузилиш ўзгаришлари, жумладан фиброзни аниқлашда юқори аниқлик ва сезувчанликка эга эканлигини ва шунга кўра ЧҚФЛЖ жиддий пасайиш ҳолатларини кўпроқ аниқлашини тасдиқлайди.

ЧҚФЛЖ 40–50% тоифасидаги беморлар орасида ЭхоКГ маълумотлари асосида 28 нафар бемор таснифланган бўлиб, кардио-МРТ бўйича бу сони 31 нафарни ташкил этди. Натижада 3,6% бемор қайта таснифланган. Қайта таснифлашдаги бу кичик фарқ ушбу диапазонда ҳар икки усулнинг юқори даражада мос келишини кўрсатади. Бироқ ҳатто кичик фарқлар ҳам даволаш тактикаси учун клиник аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

ЧҚФЛЖ >50% бўлган беморлар тоифасида ЭхоКГ бўйича 39 нафар бемор қайд этилган бўлиб, кардио-МРТ бўйича 24 нафар бемор таснифланган. Бу 17,9% қайта таснифланган беморлар демакдир. Бу ҳолат кардио-МРТ усули ЭхоКГга нисбатан чап қоринча функцияси яхшироқ деб баҳоланадиган ҳолатларни аниқлашини кўрсатади ва бу эса даволаш режаси ва прогнозга таъсир кўрсатиши мумкин.

Беморларнинг умумий қайта таснифланиш даражаси 31,7% ни ташкил этиб, кардио-МРТ маълумотларининг ташхис ва СЮЕ бор беморларни юритиш тактикасини белгилашда катта таъсирга эга эканлигини кўрсатади. Қайта таснифлаш даражасининг юқорилиги кардио-МРТни ЭхоКГга қўшимча сифатида қўллаш зарурлигини, чунки амалдаги қўлланмаларда СЮЕ билан оғриган беморларда даволаш тактикаси айнан ЧҚФЛЖ кўрсаткичига боғлиқ эканини таъкидлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кардио-МРТ орқали олинган маълумотлар СЮЕ бор беморларда ЧҚФЛЖни клиник баҳолашни сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Қайта таснифлашнинг юқори фоизи, айниқса <40% ва >50% тоифаларида, аниқ ташхис ва самарали даволаш режасини белгилашда кардио-МРТ усулининг муҳимлигини янада тасдиқлайди.

5-жадвал СЮЕ бор беморларда эхокардиография ва кардио-МРТ усули орқали ўлчанган бўлмача ва қоринчалар таққослама ўлчамларининг хусусиятларини кўрсатади.

5-жадвал

СЮЕ бўлган беморларда бўлмача ва қоринчалар ўлчамларининг эхокардиография ва кардио-МРТ усули орқали ўлчанган таққослама хусусиятлари

Кўрсаткичлар	ЭхоКГ параметрлари (n=84)	Кардио-МРТ параметрлари (n=84)
Ўнг бўлмача юзаси, см ²	16,2 ± 2,9	22,8 ± 4,9***
Чап бўлмача юзаси, см ²	17,1 ± 3	26,7 ± 5,8***
Чап бўлмача узун ўқи бўйича узунлиги, мм	35,6 ± 6,4	35,7 ± 7,7
Диастолда ЧҚ ички диаметри, мм	46,6 ± 8,7	56,2 ± 12,3***
Систолда ЧҚ ички диаметри, мм	33 ± 6,1	32,6 ± 7
ЧҚ кириш тракти, мм	43,4 ± 8,6	55,6 ± 12,3***
ЎҚ кириш тракти, мм	34,6 ± 6,8	42,7 ± 9,7***
ЎҚ чиқиш тракти узун ўқи бўйича, мм	27,2 ± 5,3	30,4 ± 6,8**

ЧҚ узун ўқи бўйича узунлиги, мм	37,4 ± 7	39,1 ± 8,9
ЎҚ чиқиш тракти узун ўқи бўйича, мм	24,7 ± 4,9	30,6 ± 7,2***

Изоҳ: * – P<0,05, ** – P<0,01, *** – P<0,001 – ЭхоКГ гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли фарқ.

